

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАБИИЙ ТОЛАЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

АХУНБАБАЕВ УЛУГБЕК ОХУНЖОНОВИЧ

**ЗАМОНАВИЙ ПИЛЛА ЧУВИШ УСКУНАЛАРИДА ЮҚОРИ СИФАТЛИ
ХОМ ИПАК ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
потехническим наукам**

**Cotents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Ахунбабаев Улугбек Охунжонович

Замонавий пилла чувиш ускуналарида юқори сифатли хом ипак олиш
технологиясини такомиллаштириш.....3

Ахунбабаев Улугбек Охунжонович

Совершенствование технологии получения высококачественного шелка-
сырца на современных кокономотальных конструкциях.....23

Akhunbabaev Ulugbek Okhunzhonovich

Technology improvement for obtaining high-quality raw silk on modern
cocoon-reeling machines.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАБИИЙ ТОЛАЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

АХУНБАБАЕВ УЛУГБЕК ОХУНЖОНОВИЧ

**ЗАМОНАВИЙ ПИЛЛА ЧУВИШ УСКУНАЛАРИДА ЮҚОРИ СИФАТЛИ
ХОМ ИПАК ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/T1163 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институти ва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гуламов Азамат Эшанкулович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Набиева Ирода Абдусаматовна
техника фанлари доктори, профессор

Қобулова Нилуфар Жалиловна
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражала берувчи DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 16 апрель соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100100, Тошкент, Шохжаҳон кўчаси, 5. Тел: (+99871) 253-06-06; факс: (+99871) 253-36-17; titlr info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (96-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100100, Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 5. Тел: (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2021 йил “01” апрель куни тарқатилди.
2021 йил “01” апрелдаги 96-рақамли реестр баённомаси).



И.К. Сабиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А.З. Маматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш аъзойи, т.ф.д., профессор

Ш.Ш. Ҳақимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тўқимачилик саноатида ипак ишлаб чиқариш салмоқли ўринга эга бўлиб, дунёда ишлаб чиқарилаётган хом ипак улушининг 70% Хитойга ва 17% Ҳиндистон ҳиссасига тўғри келади. Ипакчилик саноатини изчил ва барқарор ривожлантириш нафақат ипакчилик корхоналарида замонавий асбоб-ускуналарни жорий этиш, балки маҳсулотнинг сифатини назорат қилиш, бошқариш ва янги ассортиментларни яратиш жаҳон бозорида рақобатбардош ипак маҳсулотларини ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда янги таркибдаги тикувчилик ипак ипи ишлаб чиқиш, ташқи кўриниши ипак эффе́ктли ва ғижим бўлмайдиган, ипак ва бошқа толалар аралашмасидан матолар яратиш, ички ва ташқи бозор талабларига жавоб берувчи сифатли хом ипак олиш технологияларини ишлаб чиқиш, ипак мато ва ипакли маҳсулотларнинг янги ассортиментларини яратишни тақозо этади.

Жаҳонда хом ипак ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш техника ва технологияларни такомиллаштириш, янгиларини яратиш ҳамда илмий асосларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, хом ипак ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг оптимал параметрларини ишлаб чиқиш, илмий асосланган технологик режимларни ишлаб чиқиш, маҳаллий хомашёлардан фойдаланиб рақобатбардош ва сифатли тайёр маҳсулот ассортиментларини кенгайтириш бўйича илмий ишланмалар ишлаб чиқиш, инновацион чиқиндисиз технологияларни яратиш бўйича кенг қамровли илмий ишлар олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикада бугунги кунда маҳаллий табиий толалар аралашмасидан тайёр саноат маҳсулотларини тайёрлаш, илмий асосланган янги техника ва технологияларни яратиш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича кенг қўламли ислохатлар олиб борилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш..”¹ вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифани амалга оширишда маҳаллий пилла етиштиришдан бошлаб, қайта ишлаш ва юқори кўшимча қийматли тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган ривожланишнинг кластер моделини амалга ошириш, замонавий пилла чувиш ускуналарида юқори сифатли хом ипак олиш технологиясини ва унинг илмий асосларини такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2856-сон “Ўзбекипаксаноат уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 4 декабрдаги ПҚ-4047-сон “Республикада пиллачилик

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони

тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий тадқиқотлар хом ипак, ипак газлама ишлаб чиқариш, яратиш, техника ва технологияларни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, етакчи мамлакатларнинг илмий марказлари, университет ва институтларининг бир қатор олимлари: S.V.Naik, V.K.Muruges, V.Agindam, G.Nariraj, Э.Б.Рубинов ва бошқалар олиб борганлар.

Дастлабки хомашё параметрлари ва пиллакашлик жараёнидаги технологик режимлар бўйича хом ипак сифатини прогноз қилиш, нуқсонларни пилла қобиғи хусусиятларига, силкитиш ва чувиш динамикасига таъсирини тадқиқ қилиш, янги структурали ипак ва аралаш матолар яратиш, уларни пардозлаш ва илмий асосланган технологияларни ишлаб чиқиш масалалари билан боғлиқ тадқиқотлар бир қатор олимлар томонидан олиб борилган, жумладан: М.М.Мухамедов, Х.А.Алимова, М.З.Абдукаримова, И.З.Бурнашев, А.Э.Гуламов, Ж.А.Ахмедов, М.Н.Ниязалиев, Ш.А.Қодиров, Ш.Р.Умаров, О.А.Ахунбабаев, А.Б.Ишматов ва бошқалар.

Бу тадқиқотларда ипак махсулотлари ассортиментини кенгайтириш, пилла қобиғи ва хом ипак сифатига таъсир этувчи омилларни бартараф этиш ва ҳосил бўлиш сабаблари билан боғлиқ бўлган комплекс илмий тадқиқотлар, шунингдек, ипакдан янги ассортиментли махсулотлар ишлаб чиқариш бўйича етарлича изланишлар олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-А-2018-003 “Пилла буғлашнинг янги технологияси ва Халқаро стандарт талаб ва меъёрларига жавоб берадиган, 4А 3А синфи сифат кўрсаткичларига мос келадиган хом ипак ишлаб чиқариш технологиясини илмий асослаш” давлат гранти доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади халқаро стандарт талаб ва меъёрларига жавоб берадиган, юқори сифат кўрсаткичларига эга бўлган хом ипак олиш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пилла қобиғига буғ ва сув таъсири остида пилла қобиғини юмшатиш механизмини ўрганиш;

пилла таркибидаги серицинни зарурий энг кам эриш даражасини аниқлаш;

пилланинг ички хажмини сувга тўлдиришнинг янги усулини ишлаб чиқиш ва назарий асослаш;

пилла қобиғи буғланишини баҳолашнинг инструментал (ускунавий) усулини ишлаб чиқиш;

янги технология бўйича пилла буғлаш жараёнини моделлаштириш учун тажрибавий ускуна ишлаб чиқиш;

янги технология бўйича тажрибавий моделда буғланган пиллалар параметрларини танлаш ва қайта ишлаш, пилла қобиғининг бир маромда буғланишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш, бу жараёнга хар бир омилнинг таъсир этувчи мохиятини аниқлаш;

халқаро стандарт талаб ва меъёрларига жавоб берувчи 4А ва 3А сифат кўрсаткичли хом ипак ишлаб чиқариш технологиясини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пиллани дастлабки қайта ишлаш технологияси, пилла буғлаш ва механик ҳамда автомат чувиш дастгоҳларида хом ипак ишлаб чиқиш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида пиллани чувишга тайёрлаш, сифатли буғлаш жараёни ва хом ипакни асосий сифат кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида материалларда иссиқлик-масса алмашуви жараёнини таҳлил қилиш, иплар механикасининг динамик кучларни аниқлаш, тўла факторли тажриба ёрдамида регрессион моделлар куриш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор пилла қобиғи буғланишининг сифат кўрсаткичларини юқори даражада аниқловчи тажрибавий қурилма яратилган;

пилла етиштиришнинг янги агротехнологияси ҳамда пилла ҳосилдорлиги ва самарадорлигини таъминловчи, ресурстежамкор кўп қаватли қурилмага асосланган пиллани шакллантиришнинг янги усули ишлаб чиқилган;

хом ипакни сифатли чувилиши учун зарур бўлган серицин миқдорини аниқлаш учун пилла буғлаш жараёни вақтини қисқартириш эвазига энг кам зарурий эриш даражасига эришилган;

пиллаларни солиштирма сарфини камайтириш ва барча сифат кўрсаткичларини сақлаган ҳолда пилла қобиғини ички хажмини юқори фоизларда сувга тўлдиришнинг янги усули ишлаб чиқилган;

назарий ишланмалар асосида халқаро стандарт талабларига жавоб берувчи 4А, 3А синф сифат кўрсаткичли хом ипак тайёрлаш учун пилла буғлашнинг янги технологик параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

биринчи марта пилладаги серицинни етарли юмшатиш учун унинг ички юзасини тўлиқ сувга тўлдириш принципи ишлаб чиқилган;

пилла қобиғининг бир маромда буғланишига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг мохияти аниқланган;

юқори сифатли хом ипак ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқ қилинган муаммо соҳасида маълум назарий, экспериментал тадқиқотларнинг мослиги, изланишлар замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда асосли танланганлиги, ўтказилган апробациялар ва ишлаб чиқаришга жорий этилган натижаларнинг ижобийлиги, уларнинг ўрганилган фан соҳасидаги маълумотлар билан қиёсий таҳлил қилиб асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пилла қобиғи орқали сув киришини акс эттирувчи боғланиш ишлаб чиқилганлиги, пилла қобиғининг бир хилда буғланишига таъсир этувчи, тажрибавий моделда омилларни ўрганиш бўйича пиллаларни буғлаш параметрлари назарий асосланганлиги, бу жараёнга ҳар бир омилнинг таъсири моҳияти аниқланганлиги, шунингдек амалий тадқиқотлар ва таклиф этилган усулларнинг статистик таҳлили ўтказилганлиги билан изоҳланади;

тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пилла қобиғи буғланишининг сифат кўрсаткичларини аниқловчи тажрибавий қурилма ишлаб чиқилганлиги, пилла қобиғини юқори фоизларда сувга тўлдиришнинг янги усули ишлаб чиқилганлиги ҳамда таклиф этилган усул ва технологиядан фойдаланиш пиллакашлик корхоналарига стандарт талабларига жавоб берувчи юқори сифатли 4А, 3А синфли хом ипак ишлаб чиқариш имконияти яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Замонавий пилла чувиш ускуналарида юқори сифатли хом ипак олиш технологиясини такомиллаштириш асосида:

тут кўчатларини жойлаштириш усулларини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқилган пилла етиштиришнинг янги агротехнологиясига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патентлари олинган (IAP 05222, IAP 05223). Натижада ушбу усулдан фойдаланиш орқали тут баргининг юқори ҳосилдорлиги ошириш ва тут ипак қурти озуқа базаси кенгайтириш, тирик пилла ҳосилдорлиги 14,29% га, қуруқ пилла хажми 13,21% га, пилла қобиғини вазни 18,23% га, ипакчанлиги 4,53% га, тола узунлиги 11,14% га, хом ипак чиқиши эса 5,25 % га ошириш имконини берган;

пилла ҳосилдорлиги ва самарадорлигини таъминловчи, ресурстежамкор кўп қаватли қурилмага асосланган пиллани шакллантиришнинг янги усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали моделга патенти олинган (FAP 00754). Ишланма жорий этилиши натижасида қуртхоналарда бир неча мавсум пиллаларини етиштиришда қурт боқиладиган фойдали майдон миқдори 3 бараварга ошишига, қуртхонанинг ҳар бир квадрат метрдан олинадиган пилла ҳосилдорлиги ва самарадорлиги ошишига, сарф ҳаражатлар камайтиришга, энергия ресурслар тежалишига, пилла сифати ошишига эришилган.

пиллаларни буғлаш ва пилла қобиғи ичига сув тўлдиришнинг янги усули “Nurli Tong Silk” МЧЖ ва “Веригров ипаги” МЧЖ корхоналарида жорий этилган (“Ўзбекипаксаноат” уюшмасининг 2020 йил 21 декабрдаги 4-2/2621-сон маълумотномаси). Натижада, хом ипак олишда пилланинг солиштирама сарфи камайишига, яъни 1 кг хом ипак ишлаб чиқаришда 300 грамм пилла иқтисод қилинишига ва хом ипак чиқиши 3,8% га ошириш ҳамда хом ипакни сифат кўрсаткичлари яхшиланиши ҳисобига халқаро стандарт талабларининг “3А” синфига мос хом ипак олиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 1 та республика илмий – амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та мақола, шулардан 1 та халқаро, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола нашр қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал Мулк Агентлигининг 3 та патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Пилла ва хом ипак ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати”** деб номланган биринчи бобида ипакчилик соҳасининг етакчи мутахассислари, олимлари, тадқиқотчиларининг, шунингдек, пилла ва хом ипак ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича чет эл ва МДХ давлатлари олим ва тадқиқотчиларининг олиб борган илмий, амалий тадқиқот ишлари натижалари таҳлили келтирилган. Хом ипакни чувишга тайёрлаш учун пиллаларни буғлаш жараёни, пилла чувиш жараёни чуқур таҳлил қилинган, шунингдек, хом ипак ишлаб чиқаришда асосий сифат кўрсаткичларидан бири бўлган хом ипакнинг чизиқли зичлиги бўйича равон, бир текис ўралиш ҳолатига эътибор қаратилган. Маълумки, хом ипак комплекс ипининг шаклланиши жараёни пилла қобиғидан пилла ипини чувишда пилла қобиғидаги илашиш кучини енгиб ўтиш, элементар ипларни комплекс ипга бирлаштириш, ипларни ўзаро зичлаш, комплекс ипларни чизиқли зичлигини назорат қилиш, хом ипакни чархга ўраш ва қуритишдан иборат. Бу жараёнларни ҳаммаси турли даражада автоматлашган пиллакашлик ускуналарида бажарилади. Шунинг учун, пиллакашлик корхоналарида технологик ускуналарнинг техник ҳолатига етарли эътибор қаратилган.

Пилла ва хом ипак ишлаб чиқариш соҳасидаги илмий адабиётлар, манбаалари таҳлили ҳамда илмий тадқиқотлар натижалари асосида диссертация ишининг мақсад ва вазифалари аниқлаб олинган.

Диссертациянинг **“Янги шароитда етиштирилган пилла қобиғининг технологик хусусиятлари”** деб номланган иккинчи боби Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорликда яратилган

янги агротехнология бўйича институтнинг тажриба қуртхонасида етиштирилган пиллаларнинг технологик хусусиятларини тадқиқига этишга бағишланган.



1-расм. Тут кўчатларининг вариантлар бўйича жойлашиш схемаси

Пилла етиштиришнинг янги агротехнологияси яратилиб, тут барги ҳосилдорлиги ва озуқадорлигини таъминловчи тут кўчати экишнинг бир неча усуллари (вариантлари) ишлаб чиқилган ҳамда синовдан ўтказилган. Тутзорлар барпо қилиш усуллари бир биридан кўчатларни экиш схемалари ва турлари (бир, икки, кўп калликли) билан фарқланади. Кўчатларнинг баъзи экиш схемалари 1- расмда кўрсатилган.

Тутзорлардаги тут кўчатларининг янги экиш вариантлари институтнинг тажриба тутзорида барпо этилган. Бу экиш усуллариининг иккитасига муалиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал Мулк Агентлигининг ихтиро патентлари (IAP № 05222, IAP № 05223 – “Тут кўчати экиш усуллари”) олинган. Тут кўчати экиш усуллариининг баъзи вариантлари Фарғона ва Андижон вилоятларининг бир нечта фермер хўжаликларида тадбиқ этилган. Янги турдаги барпо қилинган тутзорлар, баргларнинг озуқадорлиги, ҳосилдорлигини ошишигаимкон яратади, шу билан бир қаторда кўшимча пилла ва хом ипак ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Ўзбекистон ипакчилик илмий тадқиқот институти агротехнологияси бўйича республикадаги пиллачилик хўжаликларида ҳар йили баҳор ва куз мавсумларида такрорий тут ипак қурти боқилмоқда ҳамда қониқарли натижаларга эришилмоқда.

Кўп йиллик тажрибалардан келиб чиқиб, ҳар йили 5 мартагача пилла етиштирилади, яъни хорижий ва маҳаллий ипак қурти уруғларидан баҳор, ёз ва куз мавсумида ипак қурти боқилади. Тут ипак қурти боқиш, институт мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган агротехнология бўйича, кўп қаватли сўкичакларда амалга оширилади. Кўп қаватли қурилма (сўкичак)га, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал Мулк

Агентлигининг (FAP № 00754 – “Тут ипак қурти боқиш учун кўп қаватли қурилма”) фойдали моделга патенти олинган.

Мавжуд технология бўйича, тирик пиллалар териб олингандан сўнг, юқори ҳароратда жонсизлантирилади ва қурилади, шундан сўнг фабрика қошидаги омборларда узоқ вақт сақланади. Бундай технология хом ипак сифат кўрсаткичларининг пасайиб, пилланинг солиштирма сарфини ошиб кетишига ва бошқа салбий ҳолатларга сабаб бўлади. Шунинг учун лаборатория шароитида узоқ вақт давомида тирик пиллаларни чувишгаимкон берувчи, совутгичларда тирик пиллаларни сақлашнинг янги усули ишлаб чиқилди ва тажрибада синовдан ўтказилди. Маълумки, тирик пиллалардан олинган хом ипакнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари, қуруқ пиллалардан олинган хом ипакниқидан анча юқори бўлади.

Янги агротехнология бўйича етиштирилган пиллаларнинг ҳар бир партияси қуруқ ҳамда тирик пиллаларнинг технологик кўрсаткичларини аниқланди. ЛК дастгоҳида, маҳаллий (“Ўзбекистон-5”) зот пиллаларининг яқка чувиш натижасида олинган технологик кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвалда келтирилган тадқиқотлар таҳлили синовдан ўтказилган пиллаларнинг барча кўрсаткичлари бир-бирига жуда яқинлигини кўрсатади. Бу эса, тавсия этилган пиллаларни сақлаш усули, пиллаларнинг технологик ва сифат кўрсаткичларига фақат ижобий таъсир этишини исботлайди.

1- жадвал

Баҳор, ёз, куз мавсумида етиштирилган тирик ва қуруқ пиллаларнинг технологик кўрсаткичлари

Сақлаш ҳарорати	Пилла вазни, г	Ипак-чанлик, %	Чизикли зичлик, текс	Пилла ипининг узлуксиз чувиш узунлиги, м	Пилла ипининг умумий узунлиги, м	Хом ипак, %	Струна, %	Одонка, %	Умумий ипак махсулоти, %	Эрувчан модда, %	Пилла солиштирма сарфи, кг/кг
Баҳор мавсумида етиштирилган тирик пиллалар (Ўзбекистон-5)											
4 ⁰ С	2,224	25,62	0,338	1346	1480	20,00	2,00	2,14	24,14	1,48	5,00
8 ⁰ С	2,150	25,90	0,330	1250	1429	21,17	1,50	2,00	24,67	1,23	4,72
10 ⁰ С	2,100	26,00	0,320	1096	1329	21,7	1,25	1,55	24,50	1,50	4,61
Баҳор мавсумида етиштирилган қуруқ пиллалар (Ўзбекистон-5)											
4 ⁰ С	0,758	55,67	0,346	1275	1275	49,99	1,22	2,64	53,85	1,82	2,00
8 ⁰ С	0,931	54,85	0,326	1129	1392	49,16	1,72	2,59	53,47	1,38	2,03
10 ⁰ С	0,932	51,50	0,349	1050	1325	45,23	2,24	2,54	50,01	1,49	2,21
Ёз мавсумида етиштирилган тирик пиллалар (Ўзбекистон-5)											
4 ⁰ С	1,445	22,37	0,290	1150	1300	18,74	1,00	1,33	21,07	1,30	5,34
8 ⁰ С	1,420	22,23	0,300	1000	1225	18,53	1,00	1,20	20,73	1,50	5,40
10 ⁰ С	1,405	22,02	0,295	900	1200	18,33	1,05	1,24	20,62	1,40	5,45
Ёз мавсумида етиштирилган қуруқ пиллалар (Ўзбекистон-5)											
4 ⁰ С	0,700	51,20	0,300	850	1100	47,65	1,05	1,25	49,90	1,30	2,10
8 ⁰ С	0,820	50,85	0,310	800	1025	47,42	1,00	1,05	49,47	1,38	2,11
10 ⁰ С	0,890	51,00	0,315	900	1050	47,15	1,10	1,25	49,50	1,50	2,12
Куз мавсумида етиштирилган тирик пиллалар (Ўзбекистон-5)											
4 ⁰ С	1,846	22,98	0,320	1040	1430	19,38	1,10	1,00	21,48	1,50	5,16
8 ⁰ С	1,785	23,33	0,308	1000	1350	19,07	2,03	1,00	22,10	1,23	5,24
10 ⁰ С	1,747	23,50	0,311	910	1300	18,96	1,80	1,30	22,06	1,44	5,27
Куз мавсумида етиштирилган қуруқ пиллалар (Ўзбекистон-5)											
4 ⁰ С	0,750	51,65	0,330	1200	1425	47,90	1,05	1,20	50,15	1,50	2,09
8 ⁰ С	0,900	50,90	0,325	1150	1390	47,40	1,10	1,05	49,55	1,35	2,11
10 ⁰ С	0,925	51,30	0,320	1200	1250	46,65	1,25	2,00	49,90	1,40	2,14

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида, тавсия этилаётган, пиллаларни совутгичларда сақлаш технологияси пиллаларнинг сифат, миқдор ва технологик кўрсаткичларига ижобий таъсир этиши исботланди. Пиллаларни совутиш ускунасида сақлашнинг тавсия этилаётган оптимал ҳарорати +4°C ни ташкил этади. Бундан шуларни тушиниш керак бўладики, биринчидан, бу режим бошқаларига нисбатан (+8°C ёки +10°C да сақлаш) пиллаларнинг юқори технологик кўрсаткичларини таъминлайди. Иккинчидан, пиллаларни +4°C ҳароратда сақлаш, пиллаларни узоқ муддат сақлаш (6,0-6,5 ой)нинг имкониятини беради. Учинчидан, қуруқ пиллаларни +4°C ҳароратда сақлаш пиллаларнинг технологик кўрсаткичларига салбий таъсир этмайди.

Тажриба қуртхонасида етиштирилган пиллаларни совутгичларда сақланди, бунда пиллаларни сақлаш ҳароратининг бир неча вариантларини тадқиқ этилди, шундан сўнг тирик ва қуруқ пиллаларнинг 2-жадвалда келтирилган технологик кўрсаткичлари аниқланди.

2-жадвалдаги келтирилган тадқиқот натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, пиллаларни махсус совутгичларда сақланганда, пиллаларнинг ипакчанлигига ва қобиғининг вазнига катта таъсир кўрсатмайди.

Пилла вазнининг кичик миқдорда ўзгариши эса, ғумбақдаги намликни қисқариши ҳисобига содир бўлади. Бундан, тирик пиллаларни совутгичли ускуналарда сақлаш, экологияга ва атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмаслиги исботланди. Янги инновацион усул тирик пиллаларни сақлашни 6,0-6,5 ойгача узайтиришга имкон яратади.

2-жадвал


Қуйи ҳароратдаги ҳавонинг тирик ва қуруқ пиллаларни вазнига ва ипакчанлигига таъсири

Т/р	10 кундан кейин			20 кундан кейин			30 кундан кейин		
	Ҳаво ҳарорати, °С								
	4	8	10	4	8	10	4	8	10
Тирик (1) ва қуруқ (2) пиллаларнинг вазни, г									
1	0,953	0,992	1,038	0,907	0,927	0,944	0,831	0,882	0,927
2	0,399	0,400	0,389	0,396	0,396	0,389	0,395	0,388	0,379
Тирик (1) ва қуруқ (2) пиллаларнинг ипакчанлиги, %									
1	20,53	20,16	19,46	21,47	20,60	19,70	22,91	21,54	22,55
2	46,97	48,75	49,19	46,99	48,76	49,21	47,00	48,78	49,22

Бунда, пилланинг солиштирма сарфини камайтириш, шу билан бирга хом ипак сифатини яхшилаш, йил давомида тирик пиллаларни чувиш имконияти вужудга келади.

Бу бобда шунингдек, ишлаб чиқарилаётган хом ипакнинг сифат кўрсаткичларига таъсир этувчи пиллакашлик жараёнларининг элементлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Маълумки, пиллакашлик ва унга туташ ускуналарнинг ҳар бир қисми алоҳида вазифаларни бажаради ва ишлаб чиқарилаётган хом ипак кўрсаткичлари ҳар бир иш бажарувчи (ижрочи) механизмларнинг техник қаровига, ишлатилишига, тўғри созланганлигига боғлиқ.

Диссертациянинг “Хом ипак ипининг чархга ўралишида унинг таранглигини назарий тадқиқоти” деб номланган учинчи бобида пиллакашлик жараёнидаги хом ипак ипининг олти қиррали чархга ўралишида унинг таранглигини назарий тадқиқоти натижалари келтирилган.



2-расм. Чархнинг сиртки нукталаридаги буровчи моментни аниқлаш схемаси

Қуйидаги тенгликлар чархни ҳаракатлантирувчи двигателнинг қуввати, чархнинг ўлчамлари, айланишлар сони ва ипларнинг кўндаланг кесимида ҳосил бўладиган таранглик кучи орасидаги боғланишларнинг баҳолаш имконини беради.

$$v_q = \frac{\pi \cdot n \cdot D_q}{60}, \quad N_D = \frac{P_q \cdot \pi \cdot D_q \cdot n}{75 \cdot 60},$$


$$M_q^{(B)} = \frac{P_q \cdot D_q}{2}, \quad P_q = \frac{2 \cdot 75 \cdot 60 \cdot N_D}{2 \cdot \pi \cdot D_q \cdot n}$$

3-жадвал


Чархнинг сиртки нукталарида ҳосил бўладиган айлана куч ва буровчи момент қийматларини двигателнинг қуввати ва чархнинг айланиш тезлигига боғлиқлиги

$v, \frac{m}{c}$	$N_D = 2.0 \text{ кВт}$		$N_D = 2.2 \text{ кВт}$		$N_D = 2.4 \text{ кВт}$	
	P_q, H	$M_q^{(B)}, Hm$	P_q, H	$M_q^{(B)}, Hm$	P_q, H	$M_q^{(B)}, Hm$
1,0	150,00	28,500	165,00	31,350	180,00	34,200
1,2	125,00	23,750	137,50	26,125	150,00	28,500
1,4	107,14	20,357	117,85	22,392	128,57	24,428
1,6	93,749	17,812	103,12	19,593	112,50	21,375

Айлана кучни чарх кўндаланг кесими қирраларинг ҳолатига боғлиқлиги баҳоланди.



3- расм. Чарх кўндаланг кесимининг А қирраси нуктаси схемаси



4- расм. Чарх кўндаланг кесимининг АВ томони схемаси

4-жадвал


Чархни А қирраси вертикал ҳолатда жойлашганда айлана кучни радиусга боғлиқлиги

$v, \frac{m}{c}$	$R_q = 0.18 \text{ м}$		$R_q = 0.19 \text{ м}$		$R_q = 0.20 \text{ м}$	
	$\omega, \frac{1}{c}$	P_q, H	$\omega, \frac{1}{c}$	P_q, H	$\omega, \frac{1}{c}$	P_q, H
1,0	5,5555	142,10	5,2631	150,00	5 7 9	157,89
1,4	7,7777	101,50	7,3684	107,14		112,78
1,8	10,000	78,947	9,4736	83,333		87,719


5-жадвал

Чархни D нуқтаси 3-расмда ифодаланган ҳолатда жойлашганда айлана кучни радиусга боғлиқлиги

$N_D = 2.0 \text{ кВт}$						
$v, \frac{m}{c}$	$R_q = 0.18 \text{ м}$		$R_q = 0.19 \text{ м}$		$R_q = 0.20 \text{ м}$	
	$\omega, \frac{1}{c}$	P_q, H	$\omega, \frac{1}{c}$	P_q, H	$\omega, \frac{1}{c}$	P_q, H
1,0	6,4150	123,06	6,0773	129,90	5,7735	136,74
1,4	8,9810	87,904	8,5083	92,788	8,0829	97,672
1,8	11,547	68,370	10,939	72,168	10,392	75,967



5-расм. Чархнинг А қиррасини 3-расмдаги ҳолатдан 4-расмдаги ҳолатга ўтиши давомида айлана куч таъсирини ўзгариш эпюраси



6-расм. Чарх қирраларидаги босим кучи ва таранглик кучларининг даврий равишда ўзгариб туриши.

6-жадвал

Чархни айланиш давомида ипларни умумий таранглигини ўзгариш қонунияти

φ , град	$\nu = 1.6 \frac{M}{c}$	$\nu = 1.7 \frac{M}{c}$	$\nu = 1.8 \frac{M}{c}$	$\nu = 1.9 \frac{M}{c}$	$\nu = 2.0 \frac{M}{c}$
	$T_\alpha(\alpha)$	$T_\alpha(\alpha)$	$T_\alpha(\alpha)$	$T_\alpha(\alpha)$	$T_\alpha(\alpha)$
8	92,838	87,377	82,523	78,179	74,270
10	92,327	86,896	82,068	77,749	73,861
12	91,703	86,309	81,514	77,223	73,362
14	90,968	85,616	80,860	76,604	72,774
16	90,121	84,820	80,108	75,892	72,097
18	89,166	83,921	79,258	75,087	71,332

Чарх ва йўналтиргич орасидаги участкада ипнинг статик таранглик кучларини аниқлаш. Кулон қонуни ва мувозанат тенгламасини қўллаб, шунингдек, ипнинг узилиб кетмаслик шартини ҳисобга олган ҳолда ипнинг таранглигини ва йўналтиргичнинг ипга босим кучини аниқлаш схемаси (қурилди) шакллантирилди.

$$Q_L = \frac{T_{LA} \cdot \sin \varphi_L}{\xi_L^- \cdot \sin \varphi_L + \xi_L^+ \cdot \cos \varphi_L}, \quad T_{LM} = \frac{T_{LA} \cdot \xi_L^+}{\xi_L^+ \cdot \cos \varphi_L + \xi_L^- \cdot \sin \varphi_L}$$

$$\xi_L^- = \cos \beta_L - f \cdot \sin \beta_L, \quad \xi_L^+ = \sin \beta_L + f \cdot \cos \beta_L.$$

7-жадвалда тадқиқ этилаётган таранглик кучининг чархни ҳаракатлантирувчи двигателнинг қуввати, айланиш тезлиги ва β_L бурчакка боғлиқлигини баҳолаш мақсадида ўтказилган сонли тажрибаларнинг натижалари келтирилган. Ушбу натижалар $f = 0,2$; $\alpha = 0$; $R_r = 0,19m$; $\varphi_L = 20^\circ$ га тенг бўлган бошланғич қийматларда олинган.

7-жадвал

Таранглик кучларини двигателнинг қуввати, чархни айланиш тезлиги ва β_L бурчакка боғлиқлиги $f = 0,2$; $\alpha = 0$; $R_r = 0,19m$

β_L , град	$\nu = 1.6 \frac{M}{c}$	$\nu = 1.6 \frac{M}{c}$	$\nu = 1.6 \frac{M}{c}$	$\nu = 1.7 \frac{M}{c}$
	$T_{AL} = 93.75 H$ $N_D = 2 кВт$	$T_{AL} = 103.1 H$ $N_D = 2.2 кВт$	$T_{AL} = 112.5 H$ $N_D = 2.4 кВт$	$T_{AL} = 105.9 H$ $N_D = 2.4 кВт$
	T_{LM}, H	T_{LM}, H	T_{LM}, H	T_{LM}, H
12	54,085	59,493	64,902	61,084
18	60,526	66,579	72,631	68,359
24	65,899	72,489	79,079	74,428
30	70,544	77,598	84,653	79,673

8-жадвалда таранглик кучини ишқаланиш коэффициенти ва β_L бурчакка боғлиқлиги келтирилган. Ушбу тажрибаларнинг барчаси

$N_D = 2\text{квт}$, $v = 1,6 \frac{M}{c}$, $\alpha = 0$, $R = 0,19\text{м}$, $\varphi = 20^\circ$, $T_{AL} = 93,75_H$ қийматларда бажарилган.

8-жадвал

Ипнинг таранглик кучини ишқаланиш коэффициенти f ва β_L бурчакка боғлиқлиги

β_L , град	$f = 0.1$	$f = 0.2$	$f = 0.3$	$f = 0.4$
	T_{LM}, H	T_{LM}, H	T_{LM}, H	T_{LM}, H
12	46,627	54,085	59,929	64,632
18	54,554	60,526	65,393	69,435
24	60,911	65,899	70,099	73,684
30	66,227	70,544	74,282	77,549

Диссертациянинг “Пиллаларни чувишга тайёрлашнинг янги технологияси ва хом ипак сифати” деб номланган тўртинчи бобида пиллаларни буғлаш жараёнида ўтказилган тадқиқотлар, пиллани ички хажмини сувга тўлдиришнинг мавжуд ва янги усуллари, буғланган пиллалар сифатини ускунавий услубда баҳолаш, янги технология бўйича олинган хом ипак кўрсаткичларини баҳолаш натижалари, шунингдек иқтисодий самарадорлик ҳисоби келтирилган.

Маълумки, пиллаларни чувишга тайёрлаш бўйича жараёнлар фиброин ва серициннинг ҳолати, ўзгарувчан хусусиятига, физик-механик, кимёвий таъсирига боғлиқ. Қобикқа елимланган (ёпишган) ипакнинг кучи катта бўлиб, у 0,73-3,0 сН оралиқда тебраниб туради. Шунинг учун пиллаларни чувишга тайёрлаш жараёни, адгезия кучини камайтириш учун серицинни юмшатиш ва пилла ипи узлуксиз чувилувчи учинитопишдан иборат. Бунда, жараённинг асосий вазифаси кам харажат сарфлаш ва хом ипак ишлаб чиқиш учун кўпроқ миқдорда қобикдаги ипакни сақлаб қолиш ҳисобланади.

Пиллакашликда пилла чувишнинг учта усули қўлланилади: биринчиси пилланинг сувда сузиш ҳолатидаги чувиш усули бўлиб, бу усулдан механик дастгоҳларда пилла чувишда қўлланилади. Бунда пилла қобиғининг ичи 72 % сувга тўлдирилади. Иккинчи усулда пилланинг ярим чўккан ҳолдаги чувиш усули бўлиб, бунда пилланинг ички хажми 92 % - гача сувга тўлдирилган. Учинчи усул, пилланинг чўккан ҳолдаги чувиш усули бўлиб, бу усул хориж пилла чувиш автоматларида қўлланилади, бунда пилланинг ички хажми 97% -дан кам бўлмаган ҳажмда сувга тўлдирилади.

Пилла ички хажмини сувга тўлдириш ҳар хил усул ва услубларда амалга оширилади. Бу мақсадда яқин вақтгача сувнинг ҳар хил ҳароратида пилла қобиғига ўзгарувчан ишлов бериш усулидан фойдаланилган, яъни галма-гал буғ билан ишлов берилган ва сув шимдирилган. Барча пилла буғлаш агрегатлари шу усулда ишлаган. Бироқ, ҳозирги вақтда пиллакашлик корхоналарида пиллани сувга тўлдиришнинг вакуум усулидан фойдаланилмоқда. Бу усулнинг моҳияти шундаки, пиллалар камерага жойланади кейин эса, ундан ҳаво вакуум насосда сўриб олинади. Камерада ҳаво камайиши ўлчамига кўра, сув пилланинг ичига кира бошлайди. Пиллаларни технологик сув билан тўлишини назорат

қилиш ЎзТТИТИ лаборатория шароитида ҳамда “Nurlı Tong Silk” МЧЖ корхонасида ўтказилди ва натижалари 9-жадвалда келтирилди.

9-жадвал


Пиллаларни технологик сув билан тўлдириш назорати

Пиллаларни сувга тўлдирилиши, %	Пиллалар сони, дона.
97 дан юқори	55...60
80...97	20...30
80 гача	10 гача

Назорат натижаларидан, янги технологиядан фойдаланилганда ҳам пилланинг сувга тўлдириш кенг оралиқда тебранишини кўриш мумкин. Албатта, пиллани сувга тўлдиришга пилланинг баъзи технологик кўрсаткичлари, қайсики пилланинг ўлчами, қобиқнинг зичлиги ва бошқалар таъсир қилади. Қуйидаги тадқиқотда биз пиллани сувга тўлдиришга ускуналарнинг иш режими таъсирини кўриб чиқамиз.

Пиллаларни сувга тўлдириш учун мўлжалланган янги усулдаги ускуна схемасини қопқоғи герметик ёпилувчи цилиндрик идиш кўринишида тасаввур қилиш мумкин (7-расм).

Мазкур ускунада пиллаларни сув билан тўлдириш жараёни қуйидагича амалга оширилади. Идиш ичига пиллалар кассета жойланади. Кейин, идишга кассета қопқоғидан 25 мм баланд бўлган сатхта сув қуйилади. Цилиндр қопқоғига идишдан ҳавони сўриб олиш учун штуцер ва ҳаво босимини аниқлаш учун манометр ўрнатилган.




1 – сув; 2 – пилла солинган кассета; 3 – ускуна қопқоғи

7-расм. Пиллаларни сув билан тўлдириш ускунаси схемаси

Қопқоқ ёпилгандан сўнг вакуум насос ишга туширилади, қопқоқ ва сувнинг юқори сатхи ўртасидаги оралиқдан ҳаво сўриб олинади. Идиш ичида сўриб олинган ҳаво миқдорича бўшлиқ яратилади, яъни пилла ички ҳажмидан ҳаво чиқа бошлаб, қобиқ ичига сув киради. Пиллаларни сувга тўлдириш

даражасини аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибалар, пиллалар сувга аста-секинлик билан тўлишини кўрсатди. Насос ишлашда давом этса ҳам, орадан 2 минут ўтгандан сўнг сувга тўлдириш жараёни пасаяди. Пиллани ички ҳажми 97% сувга тўлиши учун эса 20 мин.дан кам бўлмаган вақт талаб этилади (8- расм).



8-расм.Вакуум усулида пиллаларни сувга тўлдиришнинг графиги

8-расмда кўрсатилган ҳолатни қуйидагига тушунтириш мумкин. Дастлаб, пилланинг ички қисмида ва қопқоқ остидаги бўшлиқда ҳаво босими тенг бўлиб, 1 атмосферани ташкил этади. Ҳаво сўриб олинганда, қопқоқ остидаги ҳаво босими камаяди ва 0,9 атмосфера қийматга эришилганда пилладан ҳаво чиқа бошлайди ва қобиқ ичига сув киради. Бунинг содир бўлиши шундан иборатки, пилла қобиғиғовак тузилишга эга бўлсада, ҳавонинг пилла ички юзасидан чиқишига ва пилланинг ичига сув киришига қаршилиқ кўрсатади. Агар 0,1 атмосфера босим фарқида пилла ичига сув кириши бошланса, кейинчалик эса қобиқ ичига сув кириши катта фарқли қийматларда содир бўлади. Бу ҳолатни шундай тушуниш мумкинки, фойдаланиладиган вакуум насосларда чуқур вакуум яратиш учун жуда кўп вақт талаб этилиб, бу ишлаб чиқариш шароитларига номувофиқдир.

Пиллаларни сувга тўлдириш жараёнини қуйидагича тезлатиш мумкин. Насос ҳаво сўришни бошлагандан сўнг 2 минут давомида қопқоқни очамиз, пиллали кассетани чиқариб, 1 мин.га ҳавода сақлаймиз. Бу вақтда ҳаво қобиқ ичига киради ва пилла ичидаги босим атмосфера босимига тенг бўлади. Шундан сўнг пиллали кассетани қайта идишга жойлаймиз, қопқоқни ёпамиз ва 1,5...2 минут давомида ҳавони сўришни бошлаймиз. Янги усулда сувга тўлдириб ишлов берилган пиллалар кўрсаткичлари 10-жадвалда келтирилган.


10-жадвал

Янги усулда ишлов берилган пиллаларнинг сувга тўлдирилиши

Пилла чувиш кўрсаткичлари	Тажриба вар.	Назорат вар.
Пиллаларни сувга тўлдириш, %	95...97	55...57
Хом ипак чиқиши, %	40,00	36,20
Пилла ипининг узлуксиз чувилиш узунлиги, м	1100	850
Пиллаларни солиштирма сарфи, кг/кг	2,5	2,8
Чувилган пиллалар, кг	25	25

10-жадвалдан янги усулда ишлов берилган пиллаларни чувиш, пиллаларни тўлиқ сувга тўлдирилганлиги сабабли, чувилишда барча кўрсаткичлар бўйича яхши натижа берганлигини кўриш мумкин. Ҳозирги вақтда пилла қобиғининг буғланиш сифатини аниқлаш бўйича ускунавий услублар мавжуд эмас. Шунинг учун биз пилла буғланишини аниқловчи қурилмани таклиф этдик. Таклиф этилган тажрибавий қурилма (9-расм) пилла қобиғидан пилла ипининг чувилиш механизмини ўзида акс эттиради.

